## Муҳаррир Бош вазир бўлди

**Жанубий Корея президенти Ким Де Жун мамлакатнинг янги Бош вазири этиб Ченг Де-Венни тайинлади.**

**«Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига қараганда, янги Бош вазир шу пайтгача мамлакатда чоп этиладиган «Maeil Business Newspaper» иқтисодий газетасига муҳаррирлик қилган. 50 ёшли Ченг Де-Вен мамлакатда биринчи аёл Бош вазирнинг ўрнини эгаллайди.**

## «Паго» фаоллашмоқда

**Попуа — Янги Гвинеяда «Маунт Паго» вулқони тобора кўтарила бормоқда. Ундан отилаётган лава ва кўллар бир неча километр узоқликда жойлашган ҳудудларни қоплаган. Полиция маълумотига қараганда, 8 мингдан зиёд киши хавфли зонадан бошқа жойларга кўчирилган.**

**Мутахассисларнинг айтишича, «Паго» ҳали «ёш» вулқон. У тахминан 350 йил аввал уйғонган.**

**«Рейтер» агентлигининг маълумотига қараганда, ёш бўлишига қарамай Паго кучли вулқонлар тизимининг бир қисмидир.**

## Хорижликлар асирга олинди

**Исроил ҳарбийлари Наблус шаҳри яқинида фаластинликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган намойишларда қатнашаётган 9 нафар чет эл фуқаросини асирга олган. «Лента.ру» хабарига кўра, айни пайтда уч америкалик, беш француз ва бир ирландиялик Ариель ҳудудида давлатдан чиқариб юборишларини кутишмоқда. Намойиш иштирокчиларидан бири — яҳудий миллатига мансуб америкалик Адам Шапиро рафиқасининг айтишича, ҳарбийлар намойишчиларни кўздан ёш оқизувчи газ ишлатиб, осмонга ўқ отиш билан тўхтатишди.**




## Ур-йиқит кинолар касри

**Америкалик олимлар ўтказган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, жангари фильм ва видеоўйинлар болаларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Умумий маданият савияси пасайиши билан бирга уларда бошқаларга ишонмаслик туйғуси ҳам тез ривожланади.**

**Тадқиқот муаллифларидан бири, оила ва оммавий ахборот воситаларини ўрганиш институти раҳбари Дэвид Уолшнинг айтишича, бундай фильм ва кўрсатувлар билан қизиқувчи болалар бошқалардан кўра анча эртароқ муштлашиш, қуролга эга бўлишга интиладилар.**

*Ҳар доимгидек иссиқ ёз ойларида турли юқумли касалликларнинг тарқалиши эҳтимоли ортади. Ушбу ҳолат қатор қўшни давлатларда эпидемиологик аҳвол кескинлашгани боис янада мураккаблашмоқда. Мамлакатимизга бундай касалликларнинг кириб келишига йўл қўймаслик, Ўзбекистон ҳудудида уларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда? ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи, республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Бахтиёр Ниёзматовга ушбу саволлар билан мурожаат қилди.*

# КАСАЛЛИККА ҚАРШИ МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ ҚЎЯЙЛИК

— Республикамизда эпидемиологик вазият яхши, аммо, шундай бўлса-да, барибир унинг аҳволи устидан назорат кучайтирилган. Бунга қўшни давлатларда санитария ҳолати мураккаблашгани сабаб бўлди. Масалан, Тожикистонда ич терлама инфекцияси ва куйдирги касалликлари, Қирғизистонда эса безгак касаллиги қайд этилган.

Ўтган йиллар мобайнида эпизоотия ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирларни режали ва комплекс тарзда ўтказиш яхши натижа берди. Ушбу тадбирлар бу йил ҳам амалга оширилаётир. Республикамиз ҳудудига ўта хавфли инфекциялар, куйдирги, безгак, ич терлама касалликларининг кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўймаслик учун профилактика чора-тадбирлари кучайтирилган. Бу ишлар шифокорлар томонидан кўпгина вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилялти. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида бундай тадбирларни ўтказишни мувофиқлаштирувчи штаб ташкил этилган бўлиб, у туну кун фаолият кўрсатмоқда. Мазкур штаб етакчи олимлар, амалиётчи шифокорлар — юқумли касалликлар шифокорлари, эпидемиологлар, микробиологлар, педиатрлардан ташкил топган. Улар жадвал бўйича вилоятларга мунтазам сафар уюштириб, керакли маслаҳат бермоқда ва амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, жойлардан келиб турадиган ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишнинг тезкор тизими ҳам йўлга қўйилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария ва эпидемиология маркази ҳамда ўта хавфли инфекциялар лабораторияси узлуксиз ишламоқда.

Республикамиз ҳудудига юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш учун давлат чегарасидан ўтиш жойларида, шу жумладан аэропортларда, темир йўл бекатлари ва автомагистралларда 66 та санитария-карантин маскани ташкил қилинган. Бу ерда мамлакатимизга келаётган кишилардан ушбу касалликлар ҳақида сўралади ва уларнинг нарсалари текширувдан ўтказилади. Агарда чет эллик фуқаролар орасида касаллар борлиги аниқланса, улар республикамиз ҳудудига киритилмайди. Мамлакатимиз фуқароси касал эканлиги аниқланса, у дарҳол шифохонага ётқизилади. Бундан ташқари, 178 та божхона маскани ҳузурида санитария шифокорлари мунтазам ишлаб турибди. Улар республикамизга олиб келинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари ва улардан тайёрланган маҳсулотларнинг эпидемиологик хавфсизлигини ҳам назорат қилмоқда.

Шифохоналарда қўшимча ўринлар яратилган бўлиб, бу жойлар инфекция тарқалиши натижасида касалланган беморларни тезкор равишда даволашга мўлжалланган. Зарур миқдорда дори-дармонлар ва дезинфекцияловчи воситалар захираси ҳам ташкил этилган. Касалланиш хавфи юқори гуруҳлар ва чегарадош туманлар аҳолиси ич терлама ҳамда куйдирги касалликларига қарши эмланмоқда, фагопрофилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Аҳоли ўртасида эса санитария-гигиена қоидаларини тарғиб қилиш мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, турли китобчалар, эслатмалар ва плакатлар чоп этилмоқда ва тарқатилмоқда.

Жойлардаги санитария-эпидемиология станцияси мутахассислари инфекция тарқалишидан огоҳ этиш учун ташқи муҳитдан, биринчи навбатда, ичимлик сув, республикамиз билан чегарадош давлатлардан оқиб келадиган дарёлар сувидан намуна олмоқда. Аҳолини сифатли ва тоза ичимлик сув билан таъминлашга алоҳида эътибор берилялти. Ичимлик сув узлуксиз узатилмайдиган жойларда сувни ташиб келиш йўлга қўйилган. Куйдирги касаллигининг тарқалишига йўл қўймаслик учун эса сўйиладиган барча чорва моллари мажбурий ветеринар текширувидан ўтказилмоқда ва шундан сўнг қора мол соғлиғи тўғрисида маълумотнома берилмоқда. Шунингдек, чивиннинг алоҳида тури — безгак касаллигини юқтирувчи чивинларни йўқ қилиш учун очиқ сув ҳавзаларига махсус ишлов берилмоқда.

Республикамизга юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш ва тарқалишига йўл қўймаслик учун барча керакли чоралар кўрилди. Шундай бўлса-да, соғлиғимиз биринчи навбатда ўзимизнинг қўлимизда эканлигини таъкидлашни истардим. Бунинг учун эса оддий санитария-эпидемиология қоидаларига риоя қилиш, очиқ сув ҳавзаларидан сув ичмаслик, қаерда тайёрлангани номаълум озиқ-овқатларни истеъмол қилмаслик, касаллик аломатлари аниқланса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Фавқулодда вазият

**Россия жанубида юз бераётган тошқинлар оқибатида сув босган ҳудудлар уч бароборга кўпайди. Етти минг уй шикастланиб, ўн икки мингдан зиёд киши жабрланди. Ўнлаб кишилар бедарак йўқолди. Ҳозиргача қурбон бўлганлар сони 16 кишини ташкил этмоқда. «Лента.-ру» маълумотига кўра, Новороссийскда фавқулодда вазият эълон қилинган.**



## Чойхоначи Робот



**Янги уй роботлари яратилди. Улар чой қуйиш ёки бошқа уй юмушлари билан шуғулланиши мумкин.**

**«Lycos» маълумотига қараганда, роботнинг «қўли» одамникига ўхшаб эркин ҳаракат қила олади, уни пневматик «ҳужайралар» бошқаради.**

## Шифохонадаги террорчилик

**Покистон пойтахти Исломободдаги миссионерлик шифохонасида содир этилган қўпорувчилик оқибатида 4 киши қурбон бўлди, 20 дан зиёд киши жароҳатланди.**

**«Рейтер» агентлигининг маълумотига қараганда, ҳалок бўлганларнинг 3 нафари шифохона ҳамшираси экан.**

## Нагасакида мотам маросими

**Нагасакида шаҳарга 1945 йил 9 август куни атом бомбаси ташланганлигига 57 йил тўлиши муносабати билан мотам маросими бўлиб ўтди. «NTVRU.COM» маълумотига кўра, шаҳардаги Тинчлик боғида ушбу фожиа қурбонлари хотираси шарафига 10 метрлик ёдгорлик ўрнатилди. Унда ўтган йили фожиа асоратларидан қурбон бўлган 2564 кишининг рўйхати битилган.**

## САВОЛ БИЗДАН...

**Қайси давлатлар Африканинг мис минтақасини ташкил этади?**

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:

***Швейцарияда немис, француз, итальян тиллари давлат тили ҳисобланади.***

***Бу ҳақда самарқандлик Д. Ҳайдаров хабар берди.***

**136-35-60**

---

Алоқа тизими



UZDUNROBITA cellular

*“Ўздунробита” қўшма корхонаси ўзининг ўн йиллик фаолияти мобайнида замонавий уяли алоқа тизимида катта тажриба тўплаб, турдош корхоналар ўртасида пешқадам бўлиб олди. Янги технологияни бошқарадиган мутахассислар гуруҳини тайёрлаш, ўқитиш осон кечмади, албатта. Бироқ компания маъмурияти қисқа муддатда ёш кадрларни техник машғулотларга жалб этиб, уларни чет эл компаниялари ва халқаро ўқув марказларида етук мутахассислар сифатида тайёрлашга эришди. Ҳозир ана шу маҳаллий ёшлар уяли алоқа тизими билан боғлиқ бўлган барча техник ускуналарни мустақил равишда бошқариш ва таъмирлаш ишларини бажаришмоқда.*

*Мамлакатимизда “Ўздунробита” уяли алоқа воситаларига талаб йил сайин орта бошлагач, маъмурият тизими учун янги-янги замонавий ускуналарни харид қилиш йўлларини қидирди. Ниҳоят, мутахассисларининг кузатувларидан сўнг Швециянинг уяли алоқалар учун ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Ericsson” компанияси маҳсулотларини харид қилиш юзасидан бир қарорга келинди. Чунки ушбу компаниянинг “GSM” русумли ускуналаридан айни чоғда дунёнинг жуда кўплаб фирма ва компаниялари фойдаланишмоқда. Шу йилнинг 1 сентябрида эса Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида янги жиҳозлар ўрнатилиб, ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу “Ўздунробита” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси жамоасининг республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги тўйига тўёнаси бўлади.*

# «Ўздунробита»: ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА МЎЪЖИЗАСИ

**Хўш, янги замонавий ускуналар ўзининг қайси жиҳатлари билан мижозлар эътиборини қозонади?**

**Бу ҳақда қўшма корхона раҳбарининг техника ишлари бўйича ўринбосари А. А. ПОЛОСКОВ шундай дейди:**

— Хабарингиз бор, Ўзбекистонда қўшма корхонамиздан ташқари хорижнинг олтита турдош уяли алоқа компанияси фаолият кўрсатмоқда. Биз ана шундай рақобат шароитида мижозларимизга янги-янги хизмат турларини таклиф этаяпмиз. Чунки ҳозир қўшма корхонамиз мазкур компаниялар орасида етакчи ўринни эгаллаш билан бир қаторда республикада аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларнинг 90 фоизини уяли алоқа тизимлари билан қамраб олган. Ўтган даврда йирик шаҳарларда марказий станциялар, репитер, транслятор, радиореле линиялари ҳамда катта автомобиль йўллари ва тоғли ҳудудларда ўта кучли қувватли техник-муҳандислик тармоқлари барпо қилинди. Бу эса ўз навбатида абонентларга барча ҳудудлар билан тўғридан-тўғри уланиш имкониятини берди. Шунингдек, компания роуминг хизмати кўрсатиш юзасидан МДҲдаги 40дан ортиқ операторлик хизматлари билан келишувга эришилганлиги сабабли, мижоз бу уяли алоқа хизмати орқали бошқа республикага қилган сафарлари чоғида ҳам ундан эмин-эркин фойдаланмоқда.

**— Унда нега уяли алоқа тармоғига янги русумли алоқа тизимини киритишга ҳаракат қилинаяпти? Ёки “GSM” русуми шунчалик рақобатбардошми?**

— Мен юқорида МДҲдаги 40дан ортиқ операторлар билан роуминг хизмати бўйича шартнома тузганлигимиз хусусида сўз юритдим. Аммо бу кўрсаткич биз учун етарли эмас. Тўғри, “GSM” русуми техник жиҳатдан ниҳоятда катта имкониятларга эга. Агар республикада фаолият кўрсатаётган 4 та компаниянинг атиги биттаси “GSM” орқали роуминг хизматини ривожлантираётганини ҳисобга олсак, бу жараённинг нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини илғаб олиш мушкул эмас. Шунинг учун компаниямиз мутахассислари “GSM” русумидаги алоқа тармоқларини Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, кейинчалик эса барча аҳоли пунктларида яратишни мўлжалламоқда. Шу мақсадда 3 та коммутация маркази, юзта станция ва 70 та участка пункти, жами 100 километрлик радиореле алоқа линияси тортилади. Айни пайтда барча участкаларда монтаж ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, кейинчалик Тошкент ва Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, Чиноз ва Гулистон туманлари аҳолиси бу алоқа тизимидан баҳраманд бўлади. 2003 йилга келиб, бу янги алоқа тармоғи бутун мамлакатимиз ҳудудига ёйилади.

**— Иложи бўлса, шу ўринда дастурлаш таъминоти хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ушбу алоқа тизими халқаро автоматик роумингга уланиш, радиочастота ресурсларидан самарали фойдаланиш, маълумотларни юқори сифат ва тезкорликда узатиш, электрон почта, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, экологик комфорт, мамлакат миқёси ва халқаро алоқалар тармоғи бўйича рақамлаштирилган дастур асосида бошқариш усулларининг барчаси “GSM” андозасига хос бўлиб, бу мобиль алоқа тизимининг учинчи авлодидир.

**— Александр Александрович, “Ўздунробита” алоқа тизимига яна бир замонавий қулайлик кириб келгандан сўнг мижозларни қандай янгиликлар кутмоқда?**

— Шуни қўшимча қилиш мумкинки, алоқа тизимимизга татбиқ этилаётган “GSM 900-1800” андозасидаги тармоқ бирватўла иккита линияли алоқа воситасини яратиш имконини беради. Жумладан, «GSM-900» русумли андозаси қишлоқ абонентлари учун бўлса, «GSM-1800» Тошкент ва Самарқанд сингари аҳоли гавжум бўлган йирик шаҳарларга мўлжаллангандир. Жумладан, “GSM 1800” андозасидаги ускуна “GSM 900” русумли андозанинг модификацияси ҳисобланиб, у 1710-1880 МГц диапазон тўлқинида иш жараёнининг унумли бўлишини таъминлайди. Шунингдек, юқори сифатли алоқалар сифатини йўлга қўйиш билан бирга, унда ноқонуний фойдаланишнинг олдини олади. Бундан ташқари, “SIM” карталарини қўллаш, сигналларни кодлаштириш, хабар жўнатиш сингари бир қатор қўшимча хизматлардан фойдаланиш учун қулайлик яратилди. Янги ускунанинг яна бир афзаллик томони шундаки, маълумотларни рақамли тизим орқали узатиш ва одатдаги алоқа воситалари билан ҳеч бир тўсиқсиз боғланиш, Интернетга уланиш, биратўла икки йўналишда маълумотлар узатиш сингари бир қатор муҳим вазифаларни бажариш мумкин.

**— “Ўздунробита”нинг янги симсиз телекоммуникация тармоқлари билан оддий алоқа восталарининг ҳеч бир тўсиқсиз уланиш имкониятлари қандай бўлади?**

— Бу ўринда мижозларнинг безовталанишларига ҳеч қандай асос йўқ. Сабаби — шу пайтгача амал қилиб келаётган “AMPS-DAMPS” андозасидаги воситаларнинг маҳаллий алоқа тизими билан боғланиш имкониятлари жуда кенг. Шу жумладан, янги ишга туширилажак ва қолган учта стандартдаги алоқа ускуналарининг боғланиш имкониятлари ҳам ғоят юқоридир.

Айни пайтда тизимда 20 нафар ёш мутахассис янги ускуналарни бошқариш юзасидан тайёрлов курсини ўтамоқда.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатдош: Анатолий КУДИНОВ.**

